

ШАРТНОМА № 3

Андижон тумани

«23» 12 2022 йил.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «KOZIMOV ELEGANT» МЧЖ (бундан буён «Бажарувчи» деб юритилувчи) унинг номидан раҳбари Х.Козимов бир томондан Булокбоши тумани ХТБ номидан унинг раҳбари Д.Аҳмедов иккинчи томондан (бундан буён «Буюртмачи» деб юритилувчи) қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Бажарувчи» ўз зиммасига «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра қуйидаги мебел маҳсулотларини тайёрлаб беришни, «Буюртмачи» эса ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Жами сума
1	Парта 1	дона	15	658 000	9 870 000
2	Парта 2	дона	15	658 000	9 870 000
					19 740 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 19 740 000 (Ўн тўққиз миллион етти юз қирк) сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Хисоб – китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг, 5 банк иш кунинда «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар хақи умумий суммасининг 30 % миқдоринда яъни, 5 922 000 сўмни олдиндан аванс тариқасида «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70 % ёки 13 818 000 сўмни «Бажарувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб-варақ фактуралари асосида 15 банк иш кунинда ўтказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» томонидан 30% яъни, 5 922 000 сўмни олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг, «Бажарувчи» 10 банк иш кунини давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни (ишларни) «Буюртмачи»га етказиб беради.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомга мувофиқ етказиб берилган «Товар (маҳсулот)»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

- Агар «Товар (маҳсулот)»ни етказиб бериш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинмишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тuzатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёки учинчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. «Товар (маҳсулот)»ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк кунини учун етказиб берилмаган маҳсулотнинг қийматидан 0,1 % миқдоринда, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдоринда жарима тўлайди.

4.2. «Товар (маҳсулот)»ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиши рад этилганлиги учун «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «Товар (маҳсулот)»нинг 25% миқдоридан жарима тўлайдди. Жаримадан ташқари «Буюртмачи»га «Товар (маҳсулот)»ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. «Товар (маҳсулот)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдоридан пеня тўлайди. Бирок, бу пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (маҳсулот)» қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Етказиб берилган «Товар (маҳсулот)» учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан хал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан белгиланган тартибда хал қилинади.

6. ФОРС – МАЖОР.

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «Ёнғин, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари», агарда тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳри бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартномани томонлар имзолаган кундан кучга кириб, ҳудудий Ғазначилик бошқармасидан рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Бажарувчи»
«KOZIMOV ELEGANT» МЧЖ

«Буюртмачи»
БУЛОҚБОШИ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМ
БЎЛИМИ

Манзили: Андижон вилояти, Андижон тумани,
Айрилиш МФЙ, Ҳовуз бўйи кўчаси
х/р 2020 8000 4054 3843 7001

Манзили: Булоқбоши туман Нақшбандий
кўчаси
х/р 400122860032107092100075036

Банк номи: "Ipoteka-bank" АТДН, Истиклол
филиали.
ККС тўловчининг
МФО: 00068 СТИП: 308861744
ОКД: 31090

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси.

МФО: 00014 СТИП: 201122919

Раҳбар



Раҳбар



Д.Ахмедов


**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

QF3256576867

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **3-maktab mebel**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Bulokboshi tumani xalq ta'limi tomonidan 23.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buloqboshi tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



F.E.A'ZAMOV

23.12.2022